

**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги
жамоатчилик кенгашининг 2025-йилнинг 1-август куни ўтказилган
йиғилишининг 05-сон
БАЁНИ**

Раислик қилди: Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси,
Д.Мирзаахмедов

**Жамоатчилик кен-
гаши аъзолари:** **Д.Мирзаахмедов, Ш.Шараҳметов, Ҳ.Худойбердиев,**
**М.Сафаров, Б.Қобилов, Д.Мирзаев, Р.Джураев, Ҳ.Ра-
джабов, З.Вахидов, О.Насиров, Л.Ачилова,**
**Г.Бабаджонова, М.Аскарова, Р.Назаров, Л.Нико-
ленка, Ш.Латипов, О.Усмонов.**
(*Аъзолар сони 17 ма*)

Иштирок этганлар: **Д.Мирзаахмедов, Ш.Шараҳметов, Д.Мирзаев,**
**Р.Джураев, Ҳ.Раджабов, З.Вахидов, О.Насиров, Г.Ба-
баджонова, М.Аскарова, Р.Назаров, Ш.Латипов,**
О.Усмонов.

Таклиф этилди: Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи **Е.Хайтметов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **Б.Шарипов.**

КУН ТАРТИБИ

*(Д.Мирзаахмедов, О.Усмонов, Ш.Шараҳметов, Е.Хайтметов Г.Бабаджонова,
Ҳ.Раджабов)*

- 1. Қўмита томонидан 2025 йилнинг 1 ярим йиллигида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва худудий органлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида.**
- 2. Қўмита томонидан 2025 йилнинг 2 ярим йиллигида амалга ошириладиган асосий мақсад ва устувор вазифалар тўғрисида.**

I. Норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси томонидан 2025 йилнинг 1-ярим йиллигига **9 та** норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шундан, **3 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори, **2 та** Идоравий қўшма қарор, **2 та** Идоравий буйруқ, **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва **1 та** Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тайёrlанган.

II. Қонун хужжатлари ва давлат органлари қарорларининг рақобат мухитига таъсирини баҳолаш

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан loyiha.adliya.uz (project.gov.uz) портали орқали Кўмитага келиб тушган **439 та** норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари (**ex-ante**) рақобат мухитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказилди, шундан **219 та (49,9 %)** норматив-хуқуқий хужжатларда амалдаги қонунчилик хужжатлари ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид нормалар эканлиги аниқланган.

2. Республика бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг қабул қилган жами **206 188 та** (**ex-post**) норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлари рақобат тўғрисидаги қонунчилик нормаларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилди. Шундан, **813 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича рақобат қонунчилиги талабларига асосан тегишли чоралар кўрилган.

III. Инсофсиз рақобат амалиётларига, тил бириктиришлар ва картел келишувларга қарши курашиш

1. Инсофсиз рақобатни аниқлаш бўйича.

2025 йилнинг 1-ярим йиллигига Кўмита марказий аппарати ва худудий бошқармалари томонидан Инсофсиз рақобатни аниқлаш бўйича жами **170 та** мурожаат кўриб чиқилган.

Натижада **35 та** мурожаат бўйича иш қўзғатилган, **17 та** мурожаат бўйича иш қўзғатиш рад этилган, **106 та** мурожаат бўйича тушунтириш хатлари юборилган, **4 та** мурожаат бўйича апелляция тартибидаги шикоят аризаси, **8 та** мурожаат бўйича кўриб чиқиши давом этмоқда.

IV. Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида амалга оширилган ишлар

1. Истеъмолчилар мурожаатлари билан ишлаш бўйича:

2025 йил 1-ярим йилликда истеъмолчилардан жами **30 366 та** мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг 21 162 таси (70 фоиз) уй-жой коммунал, транспорт хизматлари, **5 215 таси** (17 фоиз) савдо ва умумий овқатланиши, **3 439 таси** (11 фоиз) алоқа, молия ва ижтимоий хизматлар ҳамда **550 таси** (2 фоиз) реклама муносабатлари масалаларига тўёри келади.

Мурожаатларни кўриб чиқиши натижасида **26 133 таси** **86 фоизи** (**76 фоизи** қаноатлантирилган, **10 фоизи** ҳуқуқий тушунтириши берилган) ижобий ҳал этилган бўлиб, **6 фоизига** тушунтириш берилган, **6 фоизи** жараёнда, **2 фоизи** ваколатли органларга юборилган. Натижада истеъмолчиларга **15 760** млн. сўм миқдорда етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилинган.

2. Истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ўрганишлар:

Истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида **10 га яқин** йўналишда **221** та тизимли ўрганишлар ўтказилган ва истеъмолчилардан жами **59,0** млрд сўм миқдорида ортиқча ҳақ олинганлиги аниқланган. Шундан:

- ўтказилган тизимли ўрганишлар натижасида истеъмолчилар фойдасига **27,9** млрд сўм миқдоридаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиниши таъминланган;

- ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар ҳамда мурожаатларни кўриб чиқилиши натижасида истеъмолчилардан **жами 74,8** млрд сўм миқдорида ортиқча маблағ олингани аниқланган ва тегишли чоралар кўрилганлиги оқибатида **43,6** млрд сўм маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, **16 034 728** нафар истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Хусусан, истеъмолчиларга **майший чиқинди ташиш хизматларини** кўрсатишида қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда истеъмолчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун **41,4** млрд сўм асоссиз қарздорлик ҳисобланганлиги аниқланган.

3. Махсулотлар сифатини назорат қилиш бўйича:

Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш мақсадида, тасдиқланган режа-график асосида мунтазам равишида чакана савдода товарлар **назорат ҳаридини** ва уларни экспертизадан ўтказиш ишлари йўлга кўйилган.

Хусусан, ҳисобот даврида жами **452 номдаги** маҳсулотларнинг **назорат ҳариди** амалга оширилиб (“*Сифат назорати*” телекўрсатуви билан ҳамкорликда), уларнинг экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра, **77 номдаги** маҳсулотлар норматив-техник хужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

4. Реклама фаолиятини тартибга солиш бўйича:

Рекламаларни жойлаштирилиши ва тарқатилиши бўйича жами **17 053** та ўрганишлар ўтказилган.

Ўрганиш (мониторинг)лар натижасида **7 841 та** ҳолатда турли **камчиликлар аниқланиб**, уларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилган.

Рекламага оид хуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган хуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича **344 та** субъектга нисбатан **2,4 млрд сўм** миқдорда **молиявий жарималар қўлланилган**.

Реклама берувчилар томонидан тақдим этилган реклама эскизларини амалдаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан **3 695 та** экспертиза ва таҳлиллар ўтказилиб, уларнинг **298 таси** бўйича реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига номувофиқлиги ҳақида **хulosалар берилган**.

МЕЗОНЛАР:

1.Давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисидаги лойиҳа таклифининг давлат органи фаолиятининг устувор йўналишларига мувофиқлиги - **5 балл**;

2.Тегишли соҳа ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларнинг долзарблиги ва аниқ ёритилганлиги - **4 балл**;

3.Муаммоларнинг таъсирchan ечими бўйича таклифларнинг илмий асосланганлиги, самарадорлиги ва ноёблиги - **3 балл**;

4.Лойиҳа таклифини амалга ошириш харажатининг асослантирилганлиги - **5 балл**;

5.Нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдим қилган лойиҳа таклифини амалга ошириш қобилияти - **5 балл**.

Юқоридагиларга кўра лойиҳа таклифлари жамоатчилик кенгаши томонидан хар бир мезон бўйича умумий 5 та мезондан “5” баллгача бўлган тизим билан “22” балл билан баҳоланди. Умумий кўрсаткич фоизда **88 фоизни** ташкил этади.

Юқоридаги овоз беришни ёқлаганлар 12 та, қаршилар-йўқ, бетарафлар- йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.07.2018 йил ПҚ-3837 сон қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик кенгаши намунавий низомининг 26-бандига (*Кўмита раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 219-ИЧ-сон буйруғи билан тасдиқланган Кенгаши низоми*) мувофиқ, Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг **камида учдан икки қисми (кворум)** иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади.

Юқоридагиларга асосан, ушбу йиғилишда умумий **17 нафар Кенгаш аъзоларидан 12 нафари иштирок этганлиги ҳисобга олган ҳолда** Жамоатчилик кенгаши қарор қабул қилиш учун ваколатли деб ҳисобланади.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг
умумий йиғилиши**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юқоридаги ижтимоий буюртмалар юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзолари Д.Мирзаахмедов, О.Усмонов, Ш.Шараҳметов, Г.Бабаджонова, Ҳ.Раджабовларнинг ва бошқа Кенгаш аъзоларининг фикр-мулоҳазалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамоатчилик кенгашининг ушбу ижтимоий буюртмалар юзасидан Вазирлар Махқамасининг 2018-йил 22-февралдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган 5 та баҳолаш мезонлари бўйича “22” балл билан баҳоланиб, умумий кўрсаткич фоизда 88 фоизни ташкил этганлиги тасдиқлансин.

3. Рақобат қўмитаси масъул бошқармасининг ижтимоий буюртмалар юзасидан асослантирилган ижобий хулосаси ва Кенгаш аъзоларининг умумий овоз бериши асосида *Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши жамиятлари федерацияси ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши марказининг* ижтимоий буюртмалар юзасидан берган таклифлари маъқуллансин ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқиб, молиялаштириш учун Рақобат қўмитасига тақдим этилсин.

4. Қўмитанинг масъул бошқармаси юқоридаги ижтимоий буюртмаларни мақсадли бажарилишини назорат қилсин ҳамда ушбу ижтимоий буюртмалар бажарилгандан сўнг, амалга оширилган ишлар якуни бўйича Жамоатчилик кенгашига ҳисобот тақдим этиши белгилансин.